

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

3 май 2018 й. г. № 333

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Сузиш спорт турларини ривожлантириш  
чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида” 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон Фармонида мувофиқ ҳамда сув спорти турлари бўйича спорт захираси ва юксак маҳоратли спортчиларни тайёрлаш, сув спорти турлари бўйича болалар тренерларини тайёрлаш ва селекция ишларини йўлга қўйиш, спорт муассасалари тренерлари ва ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

**1. Куйидагилар:**

2018-2021 йилларда сузиш спорт турларини ривожлантириш чора-тадбирлари режаси 1-иловага мувофиқ;

Бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган бассейнларда шуғулланиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**2. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги:**

ушбу қарор билан тасдиқланган чора-тадбирлар режасида белгиланган топшириқлар ижросининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши юзасидан тегишли вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ташкилий-методик ёрдам кўрсатсин;

бир ой муддатда тизимдаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказида 3 ва 6 ойлик қисқа муддатли сув спорти турларига ўргатадиган тренерларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув курсларини ташкил этсин;

икки ой муддатда бассейнларни сув спорти турлари билан шуғулланиш бўйича ўқув режалари, дастурлар ва адабиётлар билан таъминласин;

икки ой муддатда бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган бассейнларни (кейинги ўринларда бассейнлар деб аталади) халқаро талабларга мос спорт анжомлари ва ускуналари билан таъминлаш тартибини тасдиқласин ҳамда тасдиқланган тартиб асосида бассейнларни спорт анжомлари ва ускуналари билан таъминлаш режасини ишлаб чиқсин;

уч ой муддатда тизимдаги бассейнларга кириш ва ўтиш жойларида видеокузатув мосламалари ҳамда турникетлар ўрнатилишини таъминласин;

бассейнларнинг манзили, иш вақти, кўрсатиладиган хизмат турлари ва нархлари ҳақидаги маълумотлар Интернет жаҳон ахборот тармоғида доимий равишда кенг ёритилишини йўлга қўйсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тизимидаги бассейнларга кириш ва ўтиш жойларида видеокузатув мосламалари ва турникетларни ўрнатиш ҳамда спорт анжомлари ва ускуналари билан таъминлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига қопланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда бассейнларда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари бажарилиши бўйича доимий равишда тушунтириш ишларини олиб борсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда уч ой муддатда:

ҳудудларда жойлашган давлат таълим муассасаларининг бассейнларини хатловдан ўтказсин;

хатлов якунлари бўйича давлат ва хусусий шериклик асосида фойдаланишга бериладиган ҳудудларда жойлашган давлат таълим муассасаларининг бассейнлари рўйхатини тузсин ҳамда мазкур рўйхатни ҳамда давлат ва хусусий шериклик асосида фойдаланишга бериш шартлари тўғрисидаги маълумотларни Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштирсин;

давлат ва хусусий шериклик асосида фойдаланишга бериладиган бассейнларни тушган таклифларга кўра ижарага бериш тизимини жорий этсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари бассейнларнинг йил давомида узлуксиз фаолият юритишини таъминлаш, улардан самарали фойдаланиш мақсадида барча зарур ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси (электр энергияси, газ, сув таъминоти, канализация, автомобиль йўллари ва бошқалар) билан белгиланган тартибда таъминласинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В. Акмалов ва Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Ш.Х. Исраилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А.Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил “ 3 ” май “ даги  
333 -сон қарорига  
1-илова

**2018-2021 йилларда сузиш спорт турларини ривожлантириш  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ РЕЖАСИ**

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар номи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
<b>I. Сузиш спорт тури бўйича ўқув-методик базани такомиллаштириш</b>			
1.	Сузиш спорт тури бўйича мусобақалар ўтказиш тартибини халқаро қоидаларга асосланган ҳолда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2018 йил II чорак	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия кўмитаси, Ўзбекистон сузиш федерацияси
2.	Сузиш спорт турлари бўйича тренерлар учун машғулотларни ташкил этиш юзасидан ўқув-методик қўлланмаларни ишлаб чиқиш ҳамда спорт таълим муассасаларини таъминлаш.	2018 йил III чорак	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон сузиш федерацияси
3.	Сузиш спорт тури бўйича профессионал спортчилар учун рационал овқатланиш ва махсус дори воситалари қабул қилиш мезонларини акс эттирувчи методик тавсияларни ишлаб чиқиш.	2018 йил III чорак	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Миллий антидопинг агентлиги, Миллий олимпия кўмитаси, Ўзбекистон сузиш федерацияси
<b>II. Сузиш спорт турларини оммалаштириш, иқтидорли спортчиларни саралаш (селекция) ишлари самарадорлигини ошириш</b>			
4.	Сув спорти турлари бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақаларини қуйидагича ўтказиш, ғолиб спортчиларни аниқлаш ва тақдирлаш: 1-босқич - туман (шаҳар) миқёсида; 2-босқич – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида; 3-босқич - республика миқёсида (финал).	Тақвим режа асосида	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия кўмитаси, Ўзбекистон сузиш федерацияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

5.	Сузиш спорти турларининг оммавийлигини янада ошириш мақсадида: болалар-ўсмирлар, айниқса уюлмаган ёшлар ўртасида сузиш бўйича “Ёш олимпиячилар”, “Олимпия умидлари”; қизлар ўртасида синхрон сузиш бўйича “Сув париси”, сув спорти турлари бўйича “Нафосат олами” спорт мусобақаларини ташкил этиш.	Таквим режа асосида	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон сузиш федерацияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
6.	Бассейнларда ҳар чоракда иқтидорли спортчиларни саралашга йўналтирилган сузиш бўйича мусобақа ва беллашувларни ташкил этиш.	2018 йилдан бошлаб доимо	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон сузиш федерацияси
7.	Аҳоли, айниқса умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари ўқувчи-талабалари ўртасида умумхалқ ва халқаро байрамларга бағишланган сузиш бўйича ҳаваскорлар спорт фестивалларини ўтказиш.	Режа асосида	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон сузиш федерацияси
8.	Сузиш спорт турлари бўйича ўтказиладиган мусобақалар жараёнларининг шаффофлиги ва ҳолислигини таъминлаш юзасидан узлуксиз равишда видеокузатув жорий этиш.	2018 йилдан бошлаб доимо	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ҳомий ташкилотлар
9.	Сузиш спорт турлари бўйича нуфузли мусобақаларда ғолиб ва совриндор бўлган Ўзбекистон спортчилари ва спорт фахрийларининг салоҳиятидан ёш авлодни тарбиялаш ҳамда халқаро спорт алоқаларини мустаҳкамлашда самарали фойдаланиш.	2018 йилдан бошлаб доимо	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон сузиш федерацияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

<b>III. Мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни такомиллаштириш</b>			
10.	Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказида 3 ва 6 ойлик қисқа муддатли сув спорти турларига ўргатадиган тренерларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув курсларини ташкил этиш.	2018 йил II чорак	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
11.	Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказининг ўқув жараёнига сузиш спорт турлари бўйича халқаро тажрибани татбиқ этиш, Ўзбекистон спорт терма жамоалари ўқув машғулотларига ва тайёргарлик жараёнларини тегишли видео ва кўргазмали материаллар билан таъминлаш.	2018 йилдан бошлаб доимо	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси
12.	Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказига ҳар йили нуфузли хорижий спорт-таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини жалб этиш, улар иштирокида анжуманлар, амалий маҳорат сабоқлари ва намунали ўқув дарсларини ўтказиш ҳамда ўқув, спорт ва илмий-тадқиқот ишлари юзасидан ҳамкорлик ишларини амалга ошириш.	2018 йилдан бошлаб доимо	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
13.	Сув спорти турлари бўйича халқаро тажрибани ўрганган ҳолда тренерларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, тренерларни малака ошириш учун хорижий мамлакатларга юбориш.	2018 йил III чорак, доимо	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

14.	Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказида бассейнларнинг эксплуатацияси жараёнларига масъул ходимларни (фильтрловчи, дезинфектор ва шу кабиларни) тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича қисқа муддатли курсларни ташкил қилиш.	2018 йилдан III чорак	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
15.	Худудларда сузиш спорт турлари бўйича тренерлик фаолияти билан шуғулланувчи мутахассислар билимини оширишга қаратилган амалий семинарларни ташкил қилиш.	2018 йилдан бошлаб доимо	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон сузиш федерацияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
<b>IV. Сузиш бўйича спорт иншоотларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш</b>			
16.	Аҳоли, айниқса ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни бассейнлардан фойдаланиши учун етарли шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан, улар учун махсус жадвалларни ишлаб чиқиш.	2018 йилдан бошлаб доимо	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
17.	Бассейнлардаги сувни иситиш ва филтрлаш тизимини муқобил энергиядан (куёш батареяларидан) фойдаланган ҳолда амалга ошириш тизимини жорий этиш.	2019 йилдан бошлаб доимий	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
18.	Бассейнларнинг йил давомида узлуксиз фаолият юритишини ташкил қилиш учун доимий электр ва газ таъминоти билан таъминлашнинг қатъий чораларини кўриш.	2018 йилдан бошлаб доимо	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

<b>V. Бассейнларни моддий қўллаб-қувватлаш</b>			
19.	2018-2019 йилларда бассейнларни халқаро талабларга мос спорт анжомлари ва ускуналари билан таъминлаш режасини ишлаб чиқиш ҳамда режа асосида бассейнларни спорт анжомлари ва ускуналари билан таъминлаш.	2018 йил III чорақ, амалга ошириш 2018-2019 йиллар	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон сузиш федерацияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
20.	Бассейнларга кириш ва ўтиш жойларида видео кузатув мосламалари ҳамда турникетлар ўрнатиш.	2018 йил III-чорақ	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, мутасадди вазирлик ва идоралар
21.	Халқаро спорт мусобақалари ўтказиш учун мўлжалланган бассейнларни электро хронометрлар, пневмақутилар билан таъминлаш.	2019 йил II-III чорақ	Ўзбекистон сузиш федерацияси, Миллий олимпия қўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги
22.	Бассейнларни сув спорти турлари билан шуғулланиш бўйича ўқув режалари, дастурлар ва адабиётлар билан таъминлаш.	2018 йил III чорақ	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон сузиш федерацияси
23.	Сув спорт турлари бўйича тизимли спорт мусобақаларини ўтказиш мақсадида бассейнларнинг (муассаса) спорт тадбирлари календарь режаси учун ҳар йили маблағ ажратиш.	2019 йилдан бошлаб доимий	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон сузиш федерацияси
<b>VI. Оммавий ахборот воситалари, Интернет жаҳон ахборот тармоғининг имкониятларидан фаол фойдаланган ҳолда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш</b>			
24.	Оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғида сув спорти турларини кенг тарғиб қилиш чораларини амалга ошириш ҳамда ижтимоий роликлар тайёрлаш.	2018 йилдан бошлаб доимо	Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси

25.	Сузиш спорт турлари бўйича Ўзбекистон чемпионатлари ва кубок мусобақалари, оммавий спорт тадбирлари тўлиқ ёритилишини таъминлаш.	2018 йилдан бошлаб доимо	Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон сузиш федерацияси
26.	Сузиш спорт турлари бўйича машҳур спортчилар ва спорт фахрийлари билан давра суҳбатлари, мулоқотлар ва маҳорат сабоқлари ўтказиш.	2018 йилдан бошлаб доимо	Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси



Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил “ 3 ” \_\_\_\_\_ май \_\_\_\_\_ даги  
333 -сон қарорига  
2-илова

**Бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган бассейнларда  
шуғулланиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган бассейнларда (кейинги ўринларда бассейнлар деб аталади) шуғулланиш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом талаблари бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштирилмайдиган бассейнлар учун тавсиявий тусга эга.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**шуғулланувчи** – сузиш спорт тури бўйича соғлом турмуш тарзини олиб бориш мақсадида ўз истагига кўра тренер қўл остида ёки тренерсиз шуғулланадиган жисмоний шахс (ҳаваскор);

**ўқувчи-спортчи** – соғломлаштириш тайёрлов босқичидан ўтган ҳамда сузиш спорт тури билан тренер қўл остида мунтазам шуғулланадиган (ҳафтасига камида 6 соат), доимо ўзининг спорт маҳоратини ошириб борадиган ва спорт тадбирларида қатнашадиган жисмоний шахс.

3. Бассейнларнинг асосий фаолияти болалар, ўсмирлар ва ёшлар учун машғулотлар жараёнини амалга ошириш, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, спорт захираси ва юқори маҳоратли спортчилар тайёрлаш бўйича ўқув-машқ жараёнини ташкил этиш, шунингдек, аҳолини соғломлаштириш мақсадида сузиш спорт турлари билан шуғулланишга жалб этишдан иборат.

4. Бассейнларда соғломлаштириш гуруҳларини ташкил этишдан асосий мақсад уларни сув спортига кенг жалб қилиш ва соғломлаштиришга имкон яратиш ҳисобланади.

**2-боб. Бассейнларга қабул қилиш тартиби**

5. Бассейнлардаги соғломлаштириш гуруҳларида шуғулланиш учун соғлиғига кўра ва спорт билан шуғулланиш учун тиббий нуқсонлари бўлмаган болалар, ўсмирлар ва ёшлар, шунингдек, тиббий рухсатнома асосида ногиронлиги бўлган шахслар учун тенг шароитлар яратилади.

6. Бассейнларда шуғулланиш истагини билдирган шахслар ушбу бассейн тегишли бўлган муассасага қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

ариза (вояга етмаган шахслар учун уларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан);

шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома);

086-у-шаклдаги тиббий маълумотнома, тери таносил врач ва кардиолог томонидан шуғулланишга берилган рухсатнома;

шуғулланувчининг спорт мусобақаларида эришган натижаларини тасдиқловчи ҳужжатлар (агар мавжуд бўлса);

шуғулланувчининг 3,5 x 4,5 см ўлчамдаги 4 дона рангли фотосурати;

шуғулланувчининг спорт паспорти нусхаси, агар мавжуд бўлса (ҳужжатларни топшириш вақтида спорт паспортининг асл нусхаси кўрсатилади);

шуғулланувчининг аввалги шуғулланган спорт муассасасидан шуғулланганлигини тасдиқловчи маълумотнома (агар шуғулланган бўлса).

7. Шуғулланувчилар бассейнларнинг соғломлаштириш гуруҳларига қабул қилинган кундан эътиборан уларга бассейнга кириш ва сув ҳавзасидан фойдаланишга рухсат берилади.

8. Бассейнларнинг соғломлаштириш гуруҳларига етти ёшдан бошлаб (агар чуқурлиги бир метрдан ошиқ бўлмаган бассейн бўлса, тўрт ёшдан бошлаб) барча хоҳиш билдирган шахслар қабул қилиниши мумкин.

9. Бассейнлардан бир марта шуғулланиш истагини билдирган шахслар ушбу Низомнинг 11-бандида келтирилган махсус шахсий спорт кийимида, бассейннинг тиббий ходимлари кўригидан ўтиб, белгиланган тўловни амалга оширган ҳолда шуғулланиши мумкин.

### **3-боб. Бассейнлардан фойдаланиш тартиби**

10. Шуғулланувчилар томонидан бассейнлардан фойдаланишда қуйидагиларга амал қилиниши шарт:

бассейнларнинг кириш-чиқиш жойларида ўрнатилган турникетлар орқали белгиланган вақтда ўтиш;

кийим шкафларида ташқи кийимларни (кўча учун мўлжалланган кийимлар, пойабзаллар ва бошқаларни) ечиб қолдириш ва бассейн ҳудудида фақат рухсат этилган, яъни бассейнлар учун мўлжалланган оёқ кийимларда бўлиш;

бассейнлардан фойдаланиш вақтига риоя қилиш. Бунда, соғломлаштириш гуруҳларида машғулотлар жараёнига 45 дақиқа (академик соат) ҳамда шуғулланувчилар ечиниб-кийиниши ва ювиниши учун 15 дақиқа вақт белгиланади;

соғломлаштириш гуруҳларининг ҳафталик режими 135 дақиқа (уч академик соат) этиб белгиланади.

11. Бассейнларга кириш ва ундан фойдаланиш учун шуғулланувчиларнинг ҳар бирида сузиш машғулоти учун мўлжалланган махсус шахсий (сузиш учун спорт кийими ва бош кийими, бассейнда фойдаланиш учун алоҳида оёқ кийими, сузиш кўз ойнаги, сочик, совун) буюмлар бўлиши керак.

Шуғулланувчиларда сузиш учун мўлжалланган махсус шахсий буюмлар тўлиқ бўлмаган тақдирда, уларга бассейнларга кириш ва улардан фойдаланишга рухсат берилмайди.

12. Бассейндан фойдаланиш даврида тренерларнинг бассейнларда хавфсизликни таъминлаш ва бассейнлардан фойдаланиш қоидалари билан боғлиқ барча талаблари шуғулланувчилар томонидан сўзсиз бажарилиши шарт.

13. Бассейнлардан фойдаланиш даврида шуғулланувчилар томонидан сувга тушиш ёки ундан чиқиш тренерларнинг кўрсатмасига асосан амалга оширилади (тренерсиз шуғулланувчилар бундан мустасно). Белгиланган кўрсатмалар

берилганда шуғулланувчилар ўзлари яқин турган зиналар орқали берилган кўрсатмани амалга оширадilar.

14. Бассейнлардан фойдаланиш даврида дастлабки машғулотлар жараёнида қатнашаётган шуғулланувчиларга сузишга оид хавфсизлик қоидалари тренерлар томонидан таништирилади ва шуғулланувчилар таништирганлиги тўғрисида тегишли журналга имзо қўйдирилади.

15. Бассейнлардан фойдаланиш даврида қуйидагилар тақиқланади:

сакраш тақиқланган жойлардан бассейнга сакраш (тушиш), шу жумладан, бассейнларнинг саёз жойига бош билан сакраш;

машғулот вақтида бошқа шуғулланувчиларнинг йўлини тўсиш ва уларнинг ҳаётига хавф туғдирадиган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш;

бассейнлар ичидаги махсус йўлакларни ажратиб турувчи арқонга осилиб туриш;

машғулот вақтида бошқа шуғулланувчиларга ҳалақит бериш;

бассейнларда кўндаланг сузиш (йўлакдан йўлакка ва сувдан чиқиш зинасига ўтиш бундан мустасно);

шовқин чиқариш ва ёрдам бериш тўғрисида нотўғри хабар тарқатиш;

бассейнларда ушбу Низомнинг 11-бандида қайд этилган сузиш учун мўлжалланган махсус кийимларсиз шуғулланиш;

бассейнларда сақич чайнаш, овқатланиш ва алкогольли ичимлик истеъмол қилиш;

бассейнларга масъул бўлган шахсларнинг рухсатсиз сувда сузиш учун оёққа кийиладиган мослама (ласталар) ва сузиш ниқобларидан (маскаларидан) фойдаланиш;

бассейнларга бегона нарсаларни ташлаш;

бассейнларга масъул бўлган шахсларнинг рухсатсиз бассейн атрофида жойлашган моддий инвентарлардан фойдаланиш ёки инвентарларга қасддан шикаст етказиш;

бассейн атрофида югуриш ва оёқ кийимсиз юриш;

ҳар қандай техник-муҳандислик жиҳозларни бошқариш ва уларни ўчириш, ёқиш ҳамда тегиш.

16. Бассейнларнинг соғломлаштириш гуруҳларида шуғулланувчилар соғлиғига хавф туғдирмаслик мақсадида қуйидаги шахслар бассейнлардан фойдаланиши мумкин эмас:

соғлиғи билан боғлиқ салбий (тери, юқумли, қон кетиш касалликлари ва шу кабилар) ҳолатларга эга бўлган шахслар;

алкоголли ичимлик истеъмол қилган шахслар.

#### **4-боб. Бассейнларнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари асосида фаолият юритиши тартиби**

17. Бассейнлар санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига жавоб бериши керак.

18. Бассейнларга олинадиган сув “Ичимлик суви. Гигиеник талаблар ва сифати устидан назорат” O'zDST 950:2011 талабларига мос бўлиши шарт.

19. Бассейнларда ҳар куни фильтрлаш ва зарарсизлантириш ишлари амалга оширилади.

20. Бассейнларда сувнинг ҳолатига кўра сув тўлиқ чиқариб юборилгандан сўнг дезинфекция тадбирлари ўтказилади ва янги сув билан тўлдирилади.

21. Бассейн раҳбарияти томонидан очик ва ёпиқ бассейнлар сувини баҳор-ёз мавсумида ҳар 10 кунда, қолган мавсумларда бир ойда бир марта ҳудудий Давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари ходимларини таклиф этиб, сув сифатини текшириш ташкил этилади.

#### **5-боб. Бассейнларда шуғулланиш учун ҳақ тўлаш, улардан фойдаланиш ва ходимларни рағбатлантириш тартиби**

22. Бассейнларда шуғулланувчилардан тушган маблағлар (бошланғич тайёрлов гуруҳи, ўқув-машқ гуруҳи, спортда камолотга эришиш гуруҳи ва олий спорт маҳорати босқичи гуруҳларида шуғулланувчи спортчилар бундан мустасно) белгиланган тартибда қуйидагиларни қоплаш учун сарфланади:

бассейнларда пуллик хизмат кўрсатаётган тренерларга иш ҳақи тўлаш;

бассейнларнинг коммунал тўлов харажатлари;

бассейнларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва бошқа харажатлар.

23. Бассейнларда фаолият юритаётган ходимларни рағбатлантириш Вазирлар Маҳкамасининг “Спорт мактаблари фаолиятини ҳамда спорт мактаблари тренерлари ва мутахассислари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2010 йил 23 сентябрдаги 211-сон қарори ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

24. Бассейнларда шуғулланиш учун тўловлар ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

25. Бассейнларда шуғулланиш учун тўланадиган ойлик тўлов ҳар ойнинг 10-кунидан кечикмай тўланиши шарт (бир марталик шуғулланувчилар томонидан тўланадиган тўловлар бундан мустасно).

26. Бассейнларда шуғулланиш учун ойлик ва бир марталик тўловлар бассейн раҳбарияти томонидан юқори турувчи ташкилот билан келишган ҳолда белгиланади.

27. Шуғулланувчи касаллиги даврида (2 ҳафтадан кам бўлмаганда) бассейнларда шуғулланиш учун тўлов олинмайди. Бунда, шуғулланувчининг касаллиги тўғрисидаги аризаси (вояга етмаган шахслар учун уларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан берилади) ва даволаш муассасасидан ёки тегишли ҳудуд врачидан олинган маълумотнома тақдим этилиши зарур.

28. Бассейнларда шуғулланиш учун амалга ошириладиган тўлов тегишли хизмат кўрсатувчи банк ёки бассейнларда ташкил этилган кассаларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади ва тўлов тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (квитанция) нусхаси бассейнларнинг масъул ходимларига тақдим этилади.

29. Агар тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилган бўлса, бассейнларнинг масъул ходимига тўлов топшириқномасининг нусхаси (тўлов тўланганлиги тўғрисидаги банк белгиси қўйилган ҳолда) тақдим этилади.

30. Агар тўлов ушбу Низомнинг 25-бандида кўрсатилган муддатдан сўнг икки ҳафта мобайнида узрли сабабларсиз тўланмаган тақдирда, бу шуғулланувчиларнинг рўйхатдан чиқарилиши учун асос бўлади.

31. Бассейнларда шуғулланганлиги учун мавжуд бўлган қарздорлик бир ой ичида тўланган тақдирда, шуғулланувчи ушбу гуруҳнинг ўқув дастурлари талабларини бажаргандан сўнг шуғулланувчилар сафига қайта тикланади.

#### **6-боб. Бассейнларда шуғулланиш учун тўловлардан озод қилиш**

32. Бассейнларда шуғулланувчиларнинг куйидаги тоифалари тўловдан озод этилади:

белгиланган норма ва талабларни бажариб, бошланғич тайёрлов гуруҳлари, ўқув-машғулот, спортда камолотга эришиш ва олий спорт маҳорати гуруҳларига ўтган шуғулланувчилар (ўқувчи-спортчилар);

кам таъминланган оилалар фарзандлари ва ногиронлиги бўлган болалар;

тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болалар.

Шуғулланувчи назорат-норматив меъёрларини бажарган тақдирда истисно тариқасида тўловдан озод этилиши мумкин.

33. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини тўловдан озод этиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

ота-оналарнинг аризаси;

оиланинг кам таъминланганлиги тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бериладиган маълумотнома ва кам таъминланган оилалар рўйхатига киритилганлиги ҳақидаги баённома нусхаси.

34. Ногиронлиги бўлган шуғулланувчиларга ногиронлик тўғрисида тегишли органлар томонидан бериладиган гувоҳнома асос бўлади.

35. Етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларнинг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга давлат тарбия, даволаш-соғломлаштириш, тиббий-ижтимоий муассасалари томонидан берилган маълумотнома асос бўлади.

36. Агарда бир оиланинг икки ва ундан ортиқ фарзанди бассейнда шуғулланса, улардан ҳар бирининг шуғулланиши учун белгиланган ойлик тўловнинг 70 фоизи миқдорида тўлов амалга оширилади.

37. Тўловдан озод этиладиган шуғулланувчилар рўйхати (гуруҳларда шуғулланувчилар умумий сонининг 20 фоизидан кўп эмас) ушбу Низомнинг 40-бандида кўрсатилган Комиссиянинг қарори билан тасдиқланади ҳамда ушбу қарор асосида муассаса директорининг буйруғи чиқарилади.

#### **7-боб. Бассейнларда шуғулланиш учун тўловлардан озод этиш бўйича Комиссиянинг фаолияти**

38. Бассейнларда шуғулланиш учун тўловлардан озод этиш бўйича Комиссия (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) тузилади.

39. Комиссия бассейн (муассаса) директори буйруғи асосида 7 кишидан иборат бўлган Комиссия раиси, унинг ўринбосари, Комиссия котиби ва аъзоларидан иборат таркибда тузилади:

Комиссия таркибига муассаса директори, унинг ўринбосари, услубчилар, тренерлар, шуғулланувчиларнинг ота-оналари киритилиши мумкин.

40. Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифаси ҳисобланади:

ўқув йилининг бошланишида, зарур ҳолларда ўқув йили давомида бассейнларда шуғулланиши учун белгиланган тўловдан озод этиш масаласини кўриб чиқиш;

шуғулланиш учун тўланадиган тўловдан озод этиладиганлар рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш.

41. Бассейнда шуғулланиш учун тўловлардан озод этиш бўйича тушган ҳужжатларни Комиссия ҳар чорақда камида бир маротаба кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилади.

Комиссия қарори баённома тарзида расмийлаштирилади ва Комиссия раиси томонидан тасдиқланади.

### **8-боб. Ўқувчи-спортчиларни гуруҳдан-гуруҳга ўтказиш тартиби ва шуғулланувчиларнинг ёши бўйича меъёрлар**

42. Бассейнларнинг соғломлаштириш ёки спорт гуруҳларида шуғулланувчилар учун ўтказиладиган машғулотлар жараёнлари қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

гуруҳ машғулотларида амалий ва назарий машғулотлар;

якка тартибда амалий ва назарий машғулотлар.

43. Соғломлаштириш гуруҳлардаги шуғулланувчиларнинг машғулот юкламалари индивидуал ҳолда (шуғулланувчининг соғлиғига кўра) врач кўрсатмасидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Спорт гуруҳларида шуғулланиш давомати ва юкламалари ҳажми, назорат меъёрлари Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан тасдиқланадиган ўқув дастурлари ва йиллик ўқув режалари асосида ташкил этилади.

44. Ўқувчи-спортчиларни гуруҳдан гуруҳга ўтказиш назорат-норматив меъёрлари ушбу Низомга 1-иловада келтирилган талаблар бажарилиши асосида ўқув йили якунида амалга оширилади.

45. Назорат-норматив меъёрлари Олимпиада ўйинлари ўтказилишининг даврийлигини инобатга олиб, ҳар тўрт йилда бир марта келгуси тўрт йил муддатга тузилади.

46. Назорат-норматив меъёрлари ўзгаришига қараб Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан қайта кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши мумкин.

47. Бассейнларда шуғулланувчилар ёши ушбу Низомга 2-иловада келтирилган меъёрларга мувофиқ белгиланади.

### **9-боб. Яқунловчи қонда**

48. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

**Сузиш спорт тури бўйича ўқувчи-спортчиларни гуруҳдан гуруҳга  
ўтказиш назорат-норматив  
МЕЪЁРЛАРИ**

**I. Соғломлаштириш гуруҳидан бошланғич тайёргалик гуруҳига 7-8 ёшли ўғил ва қиз  
болаларни саралаб олиш назорат-норматив  
талаблари**

Т/р	Назорат машқлари	Ўғил болалар	Қиз болалар
	Умумий жисмоний тайёргарлик		
1.	1 кг оғирликдаги медицинболни улоқтириш	3,8 м ва ундан кўп	3,3 м ва ундан кўп
2.	Тик турган ҳолда оёқларни букмасдан олдинга эгилиш (баҳо)	“5” – қўл қисми тўлиқ ерга тегиши; “4” – қўл бармоқлари тўлиқ ерга тегиши; “3” – қўл бармоқларининг учи ерга тегиши.	
3.	Қўлларни бирлаштириб олдинга-орқага айлантириш (баҳо)	“5” – қўллар орасида 0-10 см “4” – қўллар орасида 11-20 см “3” – қўллар орасида 21-30 см	
4.	Моккисимон югуриш 3x10 м (сония)	10 сониядан юқори бўлмаслиги керак	10,5 сониядан юқори бўлмаслиги керак
5.	Йил давомида кўкракда эркин сузиш усулини мукамал билиш (метр)	50 м	50 м
6.	Спорт тоифаси (разряд)	тоифасиз	тоифасиз

**II. Бошланғич тайёрлов гуруҳининг иккинчи ўқитиш йиллига 8 ёшли ўғил  
ва қиз болаларни ўтказиш (қабул қилиш) назорат-норматив  
талаблари**

Т/р	Назорат машқлари	Ўғил болалар	Қиз болалар
	Умумий жисмоний тайёргарлик		
1	Моккисимон югуриш 3x10 м (сония)	9,5 сониядан юқори бўлмаслиги керак	10 сониядан юқори бўлмаслиги керак
2	1 кг оғирликдаги медицинболни улоқтириш	4.0 м дан кам бўлмаган	3,5 м дан кам бўлмаган
3	Тик турган ҳолда, оёқларни букмасдан олдинга эгилиш (баҳо)	“5” – қўл қисми 15 см ва ундан ортиги ерга тегиши; “4” – қўл қисми 10-14 см ерга тегиши; “3” – қўл қисми 5-9 см ерга тегиши.	
4	Қўлларни бирлаштириб олдинга орқага айлантириш (баҳо)	Тутқич кенглиги 15 см дан ошмаслиги керак	
5	Тўпиқ эгилувчанлиги (баҳо)	“5”- оёқ учлари 185° “4”- оёқ учлари 180° “3”- оёқ учлари 175°	
Техник ва сузиш тайёргарлик			
6	Узунликга сирпанган ҳолда кўкракда ва чалқанча сузиш (м)	7,5	7,5
7	15 м стартдан сузиш (сония)	“дельфин” усулида- 13,0 сония ва ундан тез “чалқанча” усулида-13,0 сония ва ундан тез “брасс” усулида-15,0 сония ва ундан тез “эркин” усулда-12,0 сония ва ундан тез	
8	25 м оёқда сузиш (сония)	“дельфин” усулида-27,5 сония ва ундан тез	

		“чалқанча” усулида-26,0 сония ва ундан тез “брасс” усулида-28,5 сония ва ундан тез “эркин” усулда-25,5 сония ва ундан тез	
9	Разряд нормаларига сузиш	50 м “дельфин” усулида камида III ўсмирлар разряди 50 м “чалқанча” усулида камида III ўсмирлар разряди 50 м “брасс” усулида камида III ўсмирлар разряди 50 м “эркин” усулида камида III ўсмирлар разряди	
10	Сузиш усуллари техникасини кўрсатиш	100 м аралаш (комплекс) усулда сузиш	100 м аралаш (комплекс) усулда сузиш
11	Мусобақада спорт тоифасини қўлга киритиш	III ўсмирлар разрядини бажариш	III ўсмирлар разрядини бажариш

**III. Ўқув-тайёрлов гуруҳларига 9-12 ёшли ўғил ва қиз болаларни қабул қилиш ва гуруҳдан гуруҳга ўтказиш назорат-норматив талаблари**

Назорат машқлари	1 йил		2 йил		3 йил		3 йилдан ортиқ	
	ўғил болалар	қиз болалар	ўғил болалар	қиз болалар	ўғил болалар	қиз болалар	ўғил болалар	қиз болалар
<b>Умумий жисмоний тайёргарлик</b>								
Турган жойидан узунликка сакраш (см)	155	140	170	155	190	170	195	180
Турникда тортилиш (сон)	2	-	4	-	6	3	8	4
Гимнастик ўриндиққа тираниб қўлларни букиб-ёзиш (сон)	-	6	-	10	-	-	-	-
1 кг оғирликдаги медицинболни улоқтириш (м)	4,5	4	5,3	4,8	7,5	6	9	7
Моккисимон югуриш 3x10 м (сония)	9,3	9,8	9,1	9,6	8,8	9,4	8,5	9,2
<b>Махсус жисмоний тайёргарлик</b>								
10 см тепаликда тик турган холда оёқларни букмасдан олдинга эгилиш	+	+	+	+	+	+	+	+
Қўлларни бирлаштирган холда олдинга орқага айлантириш	Туткич кенглиги 20 см дан ошмаслиги керак							
<b>Техник-тактик тайёргарлик</b>								
Разряд нормаларига сузиш: 100 м “дельфин”; 100 м “чалқанча”; 100 м “брасс”; 100 м “эркин”;	III разряд		II разряд		I разряд			
50 м оёқда сузиш (сония)	дельфин - 55,0 сония чалқанча - 52,0 сония брасс - 57,0 сония эркин - 51,0 сония		дельфин - 50,0 сония чалқанча - 48,5 сония брасс - 51,0 сония эркин - 48,0 сония		дельфин - 47,0 сония чалқанча - 45,0 сония брасс - 47,0 сония эркин - 44,0 сония			
Бир нафасда тўлқинсимон ҳаракатлар билан сув остида 15 м сузиб ўтиш (баҳога)	“5”-12 сония “4”-13 сония “3”-15 сония		“5”-11 сония “4”-12 сония “3”-13 сония		“5”- 10 сония “4”- 11 сония “3”- 12 сония			
Сузиш усуллари техникасини кўрсатиш	200 м аралаш (комплекс) усули							
<b>Спорт натижаси</b>								
Мусобақада спорт разрядларини бажариш	III катталар разряди		II катталар разряди		II-I катталар разряди			



**IV. Спортда камолотга эришиш гуруҳларига 13-15 ёшли ўғил ва қиз болаларни қабул қилиш ва гуруҳдан гуруҳга ўтказиш назорат-норматив талаблари**

Назорат машқлари	1 йил		2 йил		2 йилдан ортиқ	
	ўғил болалар	қиз болалар	ўғил болалар	қиз болалар	ўғил болалар	қиз болалар
<b>Умумий жисмоний тайёргарлик</b>						
Турган жойидан узунликка сакраш (см)	200	185	210	190	220	195
Турникда тортилиш (сон)	8 ва ундан ортиқ	5 ва ундан ортиқ	10 ва ундан ортиқ	6 ва ундан ортиқ	12 ва ундан ортиқ	7 ва ундан ортиқ
Моккисимон югуриш 3x10 м (сония)	8,8	9,8	8,5	9,6	8,2	9,4
3 км югуриш (баҳо)	“5” – ўғил болалар 12 дақиқа ва ундан тез; Қиз болалар 12,45 дақиқа ва ундан тез; “4” – ўғил болалар 12,15 – 12 дақиқа; Қиз болалар 13 – 12,45 дақиқа; “3” – ўғил болалар 12,45 – 12,15 дақиқа; Қиз болалар 13,15 – 13 дақиқа.					
<b>Махсус жисмоний тайёргарлик</b>						
15 см тепаликда тик турган ҳолда, оёқларни букмасдан олдинга эгилиш	+	+	+	+	+	+
Қўлларни бирлаштирилган ҳолда олдинга орқага айланттириш	Тутқич кенглиги 15 см ошмаслиги керак					
<b>Спорт натижаси</b>						
Мусобақада спорт разрядларини бажариш	I катталар разряди		I катталар разряди, Спорт усталигига номзод		Спорт усталигига номзод, Спорт устаси	

**V. Олий спорт маҳорати гуруҳларига 15 ёш ва ундан катта ёшдаги ўғил ва қиз болаларни қабул қилиш учун назорат-норматив талаблари**

Назорат машқлари	Умумий жисмоний тайёргарлик	
	ўғил болалар	қиз болалар
Турникда тортилиш (сон)	14 ва ундан кўп	8 ва ундан кўп
3 км. югуриш (баҳога)	“5” – 12 дақиқа ва ундан тез; “4” – 12,15-12 дақиқа; “3” – 12,45-12 дақиқа.	“5” – 12,45 ва ундан тез; “4” – 13 -12,45 дақиқа; “3” – 13,15-13 дақиқа.
<b>Махсус жисмоний тайёргарлик</b>		
Қўлларни бирлаштирилган ҳолда, олдинга орқага айланттириш	Тутқич кенглиги 15 см дан ошмаслиги керак	
<b>Республика ва халқаро спорт мусобақаларида кўрсатилган натижа</b>		
Мусобақада спорт разрядларини бажариш	Спорт устаси, Халқаро тоифадаги спорт устаси	

Бюджет маблағлари ҳисобига  
молиялаштириладиган бассейнларда  
шуғулланиш ва улардан фойдаланиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

**Бассейнларда шуғулланиш бўйича ёш  
МЕЪЁРЛАРИ**

Шуғулланувчилар тайёргарлигининг даражаси ва босқичлари	Ўқув йили	Қабул қилиш учун минимал ёш	Ўқув йили якунида жисмоний, техник ва спорт тайёргарлиги бўйича талаблар
Спорт- соғломлаштириш	Бутун давр	4 ва чекланма- ган ёш	Сув спортига кенг жалб қилиш, соғломлаштириш ҳамда сузиш кўникмаларини эгаллашга имкон яратиш
Бошланғич тайёргарлик	1 йил	7-8	Ўтказиш назорат-норматив меъёрларининг бажарилиши
	1 йилдан кўп	8	
Ўқув – машқ	1 йил	9	Ўтказиш назорат-норматив меъёрларини бажарилиши ва спорт тайёргарлиги бўйича талабларни бажарилиши
	2 йил	10	
	3 йил	11	
	3 йилдан кўп	12	
Спортда камолотга эришиш	1 йил	13	Ўтказиш назорат-норматив меъёрларини бажарилиши ва спорт тайёргарлиги бўйича талабларни бажарилиши
	2 йил	14	
	2 йилдан кўп	15	
Олий спорт маҳорати	Бутун давр	15	Спорт натижаларининг даражаси

